

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 173 (173), 2020 йил 10 сентябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

“ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонларварлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юрдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг беқияс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳрида “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументларини, тарихий-бадий экспозицияларни ўз ичига олган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг таркибидagi “Шон-шараф” давлат музейи фондиди доимий равишда бойитиб бориш, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва келажак авлод учун архив ҳужжатлари ва ашёларни сақлаб қолиш, ёшларни юксак гуманизм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

Мудофаа вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси (кейинги ўринларда — Мажмуа) фаолиятини Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси манзилида ташкил этиш;

Мажмуа ҳудудида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази, Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти, Ҳарбий оркестрлар хизмати, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблини бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш;

Мажмуа ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Мажмуанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Иккинчи жаҳон уруши жанглигида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонларварлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган

буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини илмий асосда ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юрдошларимизнинг номларини абадийлаштириш;

Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, фронт ортидаги меҳнат қаҳрамонликлари, юртимизга эвакуация ва депортация қилинган турли миллат вакиллари, хусусан, болаларнинг бағрикенглик билан кўтиб олиниши ва уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилиши сингари тарихий воқеаларни акс эттириш орқали ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтириш ва кекса авлод билан ворисийлик туйғусини кучайтириш, юксак гуманизм, она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш;

халқимизнинг тарихий хотира билан яшаб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, шунингдек, мазмунли дам олиши билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда республика ва халқро миқёсда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, маҳорат дарслари, ижодий кечалар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Иккинчи жаҳон уруши даврига оид хорижий музей экспозициялари ва архивлари фондларини ўрганиш, Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини илмий асослаш учун мақсадли, фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш;

“Шон-шараф” давлат музейи фондлари ва экспозицияларини Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам бойитиб бориш;

Иккинчи жаҳон урушига оид музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш, янгиларини аниқлаш, тўплаш, улар ҳақидаги маълумотларни наشرга тайёрлаш, чоп этиш ва илмий истеъмолга киритиш;

уруш даврида юрдошларимизнинг жанговар ва фронт ортидаги фидокорона хизматларини акс эттирадиган тарихий хотирани мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасалари билан ҳамкорликда Мажмуада очик дарслар, маъруза ва семинар машғулотлари ўтказишни, талабаларнинг малакавий амалиёт ўтатишни ташкил этиш;

Мажмуада туристлар, тадқиқотчилар ва зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва унинг туристик салоҳиятини ошириш юзасидан

зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Мажмуа таркибидagi “Шон-шараф” давлат музейи экспозициясини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ноанъанавий кўргазмалар яратиш бўйича халқро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ушбу йўналишдаги чет эл музейлари билан кўргазмалар ташкил этиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

аҳолига маданий-дам олиш хизматларини кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси, Қуролли Кучлар давлат музейи, Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли ҳамда Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий оркестрлар хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали бошқариш мақсадида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси — “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси бошлиғи лавозими жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) Мажмуани сақлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

б) “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасини ривожлантириш жамғармаси қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

Мажмуага ва унинг объектларига кириш учун чипталар сотиш, унинг мулкни ижарага бериш, шартномага мувофиқ кўргазмалар ташкил этишдан ва бошқа хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилган ҳомийлик хайриялари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТЎЛАҚОНЛИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 2017 йилга нисбатан 2019 йилда 2 бараварга кўпайишига, йилга 10 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ва 2,5 миллион тонна гўшт етиштиришга эришилди.

Шу билан бирга, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқро стандартлар ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар орасида ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганиги мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорларни очишда тўсқинлик қилмоқда.

Мева-сабзавот, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳамда уларни ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

мева-сабзавот, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратиш;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари — янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш;

озиқ-овқат саноатининг ривожланишига ҳусусий ва тўғридан-тўғри чет инвестициялар оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

Давоми 2-бетда



Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

АДИБЛАР ХИЁБОНИ — МАЪНАВИЯТ БОҒИ, МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Мозийга боқмоқликнинг ажиб хислати бор. Ортда қолган, аммо ўтмишга муҳрланган тарих, аждодлар босиб ўтган ҳаёт йўли тимсолида сен, аввало, ўзлгингни англайсан, меҳнаткаш, машаққатларда енгилмаган буюк ўзбек халқининг фарзанди эканиндан гурурланасан.

Бугун мамлакатимизнинг энг ҳушманзара масканларидан бири бўлган Адиблар хиёбонига борган ҳар бир киши ана шу ҳисни туяр экан, ёзувчи ва шоирларимизнинг у ерда қад ростлаган ҳайкаллари тимсолида ўзбек миллатининг шонли ўтмиши, бугунги эркин ва озод юртини барпо этишда босиб ўтилган оғир ҳамда залворли йўлларни кўз олдидан ўтказди.

Бу ўтмиш зарваракларига битилган ва асло унутилмайдиган тарихдир. Бугун ана шу тарихни халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига сингди-

риш, уларни аждодлар хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз жорий йилнинг 20 май куни Адиблар хиёбонининг очилиш маросимида боғда сиймолари ҳайкалларда акс эттирилган ҳар бир адибнинг ҳаёт ва ижод йўлини ўрганиш, уларни халқимизга етказиш бўйича топшириқлар берган эди. Тошкент шаҳридаги 24 та олий таълим муассасасига бир нафардан адиб фаолиятини ўрганиш вазифаси топширилди.

Давоми 4-бетда



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Бошланғичи 1-бетда

в) Мажмуага ташриф буюриш учун бир марталик чипта нархи Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

6. Зарур ҳолларда Мажмуага, унинг фаолиятини ташкил этиш учун тегишли базавий лавозим маоши бўйича соатбай меҳнатга ҳақ тўлаш асосида бошқа мутахассисларни жалб этишга рухсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой мuddатда Мажмуа ҳудудида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази биносини қуриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

уч ой мuddатда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасини ривожлантириш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Мажмуа фаолиятини ташкил этиш учун зарур шарт бирликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшилларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ажратилади;

Мажмуа Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, банк ҳисобварақларига ҳамда хоржий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади;

Мажмуа бошлиғи Ўзбекистон Республикаси маданият вазири билан келишилган ҳолда мудофаа вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Мажмуа таркибидagi “Шон-шараф” давлат музейи юридик шахс мақомига эга бўлган муассаса ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти ўз мақомига, ходимлар (ҳарбий хизматчилар) меҳнатига ҳақ тўлаш (пул таъминоти) шартларига кўра Мудофаа вазирлиги марказий аппаратининг бош бошқармасига тенглаштирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Мажмуанинг 2021 йилдан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритилиши ва илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ танловлар асосида Мажмуа илмий лойиҳаларига белгиланган тартибда маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, “Узархив” агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюқ Ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги янги маълумотларни, Мажмуада олиб бориладиган илмий-маърифий, оммавий-маданий тадбирларни ўзида атрофича акс эттирадиган китоб-альбом тайёрлаб, ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида нашр этишини йўлга қўйсин.

11. Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюқ Ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси ҳақидаги китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Давлат божхона кўмитаси:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти фахрийларининг қаҳрамонлигига оид материалларни тўплаш ҳамда Мажмуа таркибидagi “Шон-шараф” давлат музейи фондида сақланаётган экспонатлар ва маълумотлар асосида илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва Мажмуа фондини доимий равишда бойитиш ишларини амалга оширсин;

Республика олий ва олий ҳарбий таълим муассасалари талабалари (курсантлари), магистрантлари ва докторантлари томонидан уруш йилларига оид илмий-тадқиқот ишлари олиб боришларини ташкил этсин, ушбу мақсадда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси объектларида алоҳида ўқув хоналари ажратсин;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда мавзуга оид бадиий, илмий-оммабоп китобларни нашр этсин;

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг муносиб ҳиссасини келгуси авлодлар хотирасида сақлаб қолиш учун режалаштирилган тадбирларни доимий равишда ўтказилишини таъминласин;

Мажмуа таркибидagi “Шон-шараф” давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг бурчакларини яратиш бўйича ишларни ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Мажмуа ички ҳудуди ва объектларининг қўриқлиниши ва ёнгин хавфсизлигини, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия Мажмуага тўташ бўлган ташқи ҳудудларнинг кеча-кундуз қўриқлинишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Мажмуанинг муурожаатига асосан хоржий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан илмий ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Мажмуанинг муурожаатига асосан унинг белгиланган тартибда телекоммуникация ва юқори Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги икки ой мuddатда:

а) Маданият вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда:

Мажмуага кириш чипталарининг онлайн савдосини ташкил этиш;

хоржий тилларда онлайн гид ва онлайн экскурсия ўтказиш тизимини жорий этиш;

“Шон-шараф” давлат музейининг замонавий сайтини яратиш ҳамда унда “3D” ва “360°” форматидagi фотоальбомни шакллантириш ва жойлаштириш чораларини кўрсин.

б) Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмаси билан биргаликда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ва “Шон-шараф” давлат музейи ҳудудида миллий эсдалик совғалари маҳсулотлари ҳамда музейда сақланаётган ашёлар нусхаларининг савдосини ташкил қилсин.

17. Белгилансинки, Мажмуа ҳудудида эсдалик совғалари маҳсулотлари савдоси билан шугулланувчи хунармандлар фақат ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотади ва “Халқ амалии санъати усталарининг миллий каталоги”га киритилади.

18. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2020 йил 1 октябрда қадар Мажмуани белгиланган тартибда қабул қилиб, тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштирсин ва уни барча мол-мулки билан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида топширсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги: бир ой мuddатда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда Мажмуани юқори малакали кадрлар билан таъминласин;

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Мажмуага ички ва ташқи сайёҳларни кенг жалб этиш чораларини кўрсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбекино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда Мажмуада ўтказиладиган маданий ва маърифий тадбирларга таниқли ёзувчилар, шоирлар, ижод мактаблари ўқувчилари, шонли тарихимиз ва маданиятимиз бўйича мутахассисларни, ҳарбий ансамбль ва оркестрлар ҳамда бошқа муסיқа ва санъат вакилларини кенг жалб қилиб борсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Давлат божхона кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази Мажмуага тегишли таълим муассасалари таълим олувчиларини кенг жалб қилган ҳолда Иккинчи жаҳон уруши йиллари тарихи ва ватанпарварлик мавзуларида доимий равишда машғулотлар ўтказилишини ташкил этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3726-сон қарори 2-бандининг “б” кичик бандидаги “жойлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари” сўзлари “ўринлар олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги уч ой мuddатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Спичрайтери Х.М.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТўЛАҚОНЛИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланғичи 1-бетда

замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, **маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш**, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, **экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш** чораларини кўриш.

2. Мазкур қарорга асосан юклатилаётган қўшимча вазибаларни самарали амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси негизда бошқарув ходимларининг чекланган сони **12 та** штат бирлигидан иборат **Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси** ташкил этилсин;

вазир ўринбосари — Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий қилинсин.

Бунда, Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасининг 8 та штат бирлиги қўшимча штат бирликларини киритиш ҳисобига шакллантирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан **20 миллиард сўм микдордаги маблағларни** Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)га ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Куйидагилар Жамғарма маблағларини сарфлашининг қўшимча йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган **истиболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланшини тайёрлаш билан боғлиқ ҳаражатларнинг 50 фоизини**, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган микдорда қўлласин;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган **истиболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ ҳаражатларнинг 50 фоизини**, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган микдорда қўлласин;

озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига **хоржий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг 50 фоизини**, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 миллион сўмдан кўп бўлмаган микдорда қўлласин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тартиби бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Ўзбекиқозқовқатхолдин” ХКнинг:

“Ўзбекиқозқовқатхолдин” ХКни тугатиш;
“Ўзбекиқозқовқатхолдин” ХК Озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармасининг тугатиш якунларига кўра қолдиқ маблағларини Жамғармага ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. **“Ўзбекиқозқовқатхолдин” ХКни тугатиш комиссияси** 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Молия вазирлиги сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини ташкил этиш учун Ҳуқумат кафолати остида жалб этилган халқаро молия институтлари ва хоржий банклар олдидаги тугатилаётган **“Ўзбекиқозқовқатхолдин” ХКнинг қарз маблағларини график бўйича тўлаб борилишини таъминласин.**

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда: озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари маблағларининг кенг жалб қилинишини;

халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар қесмида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини таъминласин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида **2021/2022 ўқув йилидан** бошлаб республика олий таълим муассасаларининг **“5321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)”** ҳамда **“5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)”** таълим йўналишлари бўйича бакалавриятнинг кундузги ва сиртки таълим шаклларига ўқишга қабул қилишининг давлат буюртмаси параметрларини бошқарма-босқич ошириш бориш чораларини кўрсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги: **бир ой мuddатда** тегишли таълим йўналишлари (мутахассисликлар)да соҳа бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг амалиётларини ўташ объектлари — иш берувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантирсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 декабр**га қадар озиқ-овқат технологиялари соҳасида замонавий техника ва технологияларни жорий этган етакчи корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан талабаларнинг амалиётларини ўташ юзасидан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари ў.Барноев:

бир ҳафта мuddатда қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари — Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига юкланган вазибаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали номзод бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин;

бир ой мuddатда ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича туманларнинг диверсификацияланишини таъминласин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳоджаев):

бир ой мuddатда Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой мuddатда Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасини танлов асосида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга замонавий менежмент ва маркетинг усулларини эгаллаган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқуллов) ҳамда Давлат божхона кўмитаси (Азимов) билан биргаликда **уч ой мuddатда** озиқ-овқат саноатида импорт қилинаётган товарлар тури, таснифи, микдори, нархи ҳамда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналар бўйича доимий янгиланиб борадиган маълумотлар базасини яратсин ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳоджаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқуллов) ҳамда Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда:

уч ой мuddатда илгор хоржий тажрибани ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, савдо-логистика ҳамда сақлаш марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада тақомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 январга қадар республикада қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларига мавжуд ички талабни ҳисобга олган ҳолда **2021-2023 йилларга мўлжалланган саноатобп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш дастурини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 мартга қадар мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

г) Бош вазир ўринбосари С.Умурзоқов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари бир ой мuddатда ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича инвестицион лойиҳалар ташаббускорларини аниқласин ва лойиҳаларни ишга тушириш учун доимий амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ҳоджаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва “Дунё” ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4292-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартаришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги “Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2492-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 9 сентябрь

Интервью

ХАЛҚНИНГ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАН АСЛ ФАРЗАНДЛАРИГА АБАДИЙ ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Жасорат ҳеч қачон унутилмайди. Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини намоён этган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюқ Ғалабага кўшган муносиб ҳиссаси шу қадар улканки, бу бундан кейинги неча-неча авлодлар учун жасурлик ва бағрикенглик намунаси бўлиб хизмат қилади.



тاريخий-бадий экспозицияларни ўз ичига олган "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуасининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Президентимизнинг "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда мажмуа

таркибидоғи "Шон-шараф" давлат музейи фондини доимий равишда бойитиш, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва келажак авлод учун архив ҳужжатлари ва ашёларни сақлаб қолиш, ёшларни юксак гуманизм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш каби ислохотлар ўз аксини топди.



Шуҳрат ЮСУПОВ, Мудофаа вазирлигининг маънавият ва маърифат маркази бошлиғи:

— Ушбу қарорда мажмуа худудида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази, Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти, Ҳарбий оркестрлар хизмати, Қуrollи Кучлар марказий ашула ва ракс ансамблини бепул

фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш назарда тутилган бўлиб, бу ўз ўрнида ушбу мажмуани маданият марказига айлантириш имкониятини яратди. Мажмуа ҳузуринда юридик шахс мақомига эга бўлмаган "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Шунингдек, қарор билан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлигининг маданият ишлар бўйича маслаҳатчиси — "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси бошлиғи лавозими жорий этилди. Қарорда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш орқали Иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқи қаҳрамони бўлган 301 нафар ўзбекистонлик жангчи тўғрисидаги илмий ишлар ниҳоясига етказилиб, ўзбек халқининг мудҳиш урушида ғалабага кўшган буюқ ҳиссаси келажак авлодга етказилишига ишонамиз.



Убайдулла ОЛТИНОВ, Мудофаа вазирлигининг маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси:

— 1941-1945 йиллардаги воқеаларни кино материалларида кўриб, бадий асарларини ўқиб, учрашувлардаги суҳбатлар орқалигина тасаввур қилардик. Янги очилган музей эса илмий марказда тадқиқотчи

сифатида фаолият юритиш, ўша давр воқеаларини ўрганиш учун асосий восита бўлиб хизмат қилади. Қабул қилинган қарор бунинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Шунингдек, музейдаги 20 мингга яқин экспозициялар ҳар томонлама бойитиш имконияти яратилди. Энг асосийси, дунё миқёсидаги илмий-амалий конференцияларни ўтказишга кенг йўл очилди. Бу билан бугунги кунгача номаълум бўлган юртдошларимиз ҳақидаги маълумотларни аниқлаш имкони янада ортади. Қолаверса, бу ерга келган ҳар бир инсон, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин ғалаба, хотира тушунчаларининг асл мазмунини чуқурроқ аниқлаш, Ғалабадаги оқибатларни тунлар, фарахбахш кунлар учун ажодларимиздан миннатдорлик ҳисси жуш уради. Бойси, бу маскан шунчаки меъморий иншоот эмас, балки халқимизнинг ғалаба, тинчлик йўлида курашган асл фарзандларига абадий эҳтиром рамизидир.



МАҚСАД – АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ–ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жаҳон миқёсида глобал пандемияга қарши кескин кураш кетаётган шу кунларда тиббий-ижтимоий чора-тадбирлар билан бир қаторда озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш ва хавфсизлигини таъминлаш, халқроқ стандартларга жавоб берадиган сифатли, тўйимли, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш долзарб вазифага айланмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда бу йўналишда амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида 2019 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 2017 йилга нисбатан икки баробарга кўпайди. Яъни йилга 10 миллион тоннадан зиёд сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик ва 2,5 миллион тонна гўшт

маҳсулотлари етиштирилди. Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичлари бўйича 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан 9 поғонага юқорилаб, дунёда 71-ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, глобал озиқ-овқат етишмовчилиги юзага келаётган бугунги шароитда қишлоқ

хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг "Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутаассадилари ва соҳа мутахассисларининг интервьесида мазкур қарорда кўзда тутилган муҳим вазифалар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширила- диган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилади.

Алишер ШУКУРОВ, Қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси:



— Мазкур қарорнинг қабул қилиниши озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, бу тармоқда қўшимча қиймат занжири яратишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, республикамизда ушбу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишга

хизмат қилади.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилаётганига қарамай, ҳали талай муаммолар мавжуд. Масалан, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоғида, экспортни қўллаб-қувватлаш борасида интеграция тўғрисида кўйилмаган. Бунинг натижасида тармоқда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ўз вақтида амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи, экспорт компаниялари ўртасида ҳамкорликни мустақамлашга эришилади. Озиқ-овқат саноати корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, айниқса, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш механизмлари такомиллашади.

Эдрин НИЛ, Қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси:



— Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Қишлоқ хўжалиги вазириликнинг қўшимча қиймат занжири яратишга ўтиши борасида ҳал қилувчи омил саналади. Авваллари

бу тузилмада, асосан, ишлаб чиқаришга эътибор қаратилган бўлса, эндиликда, "даладан-дастурхонгача" тамойилнинг аҳамияти ортиб борапти.

Бу эса вазирликка юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали кўпроқ даромад оладиган ва бу билан қайта ишлаш, юқори сифатли маҳсулотларни экспортни ошириш борасида миллий салоҳиятини кенгайтирадиган деҳқон ва фермерларни янада қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Акмал ЭШНИЁЗОВ, Қишлоқ хўжалиги вазирилик бошқарма бошлиғи:



— Биринчи навбатда озиқ-овқат саноатидаги корхоналарнинг сонини кўпайтириш, янги иш ўринлари, соҳада янги сифатли маҳсулот яратилишига, янгиликлар, янги технологиялар кириб келишига олиб келади. Яъни янги иш бошланган тадбиркорларни рағбатлантириш натижасида улар ўз олдларига қўйган мақсадларига тезроқ

эришиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот хилма-хиллиги (ассортимент) ва иқтисодий кўрсаткичларнинг ошишига олиб келади.

Хўжият бинаоан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазириликка тижорат банклари билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқроқ молия институтлари маблағларини кенг жалб қилиниши ҳамда бу маблағларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида маҳсулот етиштирувчи, қайта ишлаовчи ҳамда экспорт қилишни ташкилотларга манзилли етиб боришини таъминлаш вазифаси юқлатилди.

Қарор ва ижро

ЎЗГАРАЁТГАН СЎХ:

ОРЗУ-УМИДЛАР РЎЁБГА ЧИҚЯПТИ



Расулжон КАМОЛОВ, журналист

Олой тоғ тизмалари бўйлаб ястаниб кетган кўхна Сўхда бошланган ҳаётбахш ислохотлар кундан кунга бардавом бўлиб борапти. Бу бежиз эмас. Чегарадош ҳудудда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар Президентимизнинг 2020 йил 8 августда қабул қилинган "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманида комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида"ги қарори асосида босқичма-босқич ҳал этилапти. Иш ўринлари яратиш, ичимлик суз, электр таъминоти яхшиланяпти, кўчаларга асфальт ва бетон қопламалар ётқизиш ишлари давом этмоқда.

"Агробанк"нинг Сўх филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида чорвачиликни ривожлантириш истагидаги 146 нафар фуқарога 2 817 миллион сўм, тикувчилик учун 175 нафар фуқарога 1 миллиард сўм, ихчам иссиқхоналар ташкил этишга 334 миллион сўм кредит берилди. Натижада туманда 443 янги иш ўрни яратилди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Сўхликлар уста миришкор. Тоғ шароитида баъзи худудларда сув танқислиги сезилса-да, ер билан тиллашининг ҳадисини олишган. Сархил, табиий тоза, харидоригр мева-сабзавотларини ўзларидан орттириб, ички ва ташқи бозорда сотишади. Қарорга кўра, шу мақсадда туманда саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 95 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг ҳисобига 5 мингта янги иш ўрни яратилади.

фуқарога дала томорқаси учун 20 сотихдан ажратиб берилди.

Биргина "Агробанк"нинг Сўх филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида чорвачиликни ривожлантириш истагидаги 146 нафар фуқарога 2 817 миллион сўм, тикувчилик учун 175 нафар фуқарога 1 миллиард сўм, ихчам иссиқхоналар ташкил этишга 334 миллион сўм кредит берилди. Натижада туманда 443 янги иш ўрни яратилди.

Туманда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган майдонларни истиқболли лойиҳалар доирасида ўзлаштириш ҳисобига ҳам қўллаб оила-лар даромад манбаига эга бўлади.

— Малбўд қишлоғи худудидаги шундай тоифага кирувчи ерларга сугориш насоси ўрнатиш, томчилаб сугоришни йўлга қўйиш, интенсив боғлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган, — дейди Сўх тумани маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Фазлиддин Додақаримов. — Асосий мақсад аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни камбағалликдан чиқаришдан иборатдир. Амалий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, хозиргача ўзлаштирилган ерлар ишиси ва эхтиёмжанд 71 нафар



БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Сўх туманидаги "Сариканда" ва "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топширилди. Бу ерда болажонлар учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Яқка тартибдаги тадбиркор Ҳамида Султонованинг айтишича, "Зулфира" номи оилавий боғчада 25 нафар болажон таълим-тарбия олади.

муассасасида реконструкция, 11 та болавар боғчасида бўш турган хоналарни замонавий мезонлар асосида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, бу ерда 90 ўринли, "Сариканда" маҳалласида 60 ўринли янги мактабгача таълим муассасаси ҳам бунёд этилади. Бу туманда боғчаларга болавар қамровини йил якунига қадар 53 фоиз оширади.

Туманда йил якунига қадар яна 10 та янги оилавий мактабгача таълим муассасаси очилади. Натижада юзлаб янги иш ўринлари яратилади. "Шарқобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 14-давлат мактабгача таълим

Сирасини айтганда, бугун олис Сўхда бўлган киши ана шундай улкан ўзгариш, бунёдкорликлар билан ҳамоҳанг яшаётган сўхликлар қувонч ва шодлиқларига бевосита гувоҳ бўлади.



Хаким Йўлдошев олган суратлар.



АДИБЛАР ХИЁБОНИ — МАЪНАВИЯТ БОҒИ, МАЪРИФАТ МАСКАНИ



Кўнқирто'бий ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодий университети ректори:

— Президентимиз топириги асосида ҳар бир олий ўқув юртига адибларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан боғлиқ вазифанинг қўйилишида катта маъно бор. Бу ташаббус орқали биз ёшларимизга буюк ёзувчи ва шоирларимизнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолиятини ўргатиш, уларга тарихимизни сингдириб бориш асосида ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашни мақсад қилганмиз.

Айни пайтда университетимизда ўзининг бой ижодий мероси билан адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича катта ишлар бошлаб юборилди. Адибнинг ижодини ўрганишимиз сари унинг биз учун янги қирралари очилмоқда. Муқимий нафақат шоир, балки ҳам солиқчи, ҳам иқтисодчи, ҳам тadbиркор бўлган. Муайян вақт солиқчи лавозимида ишлаган, у ердаги ноҳақликларни қўриб, ишдан кетган ва ўзининг "Танобчилар" асариди ерларни ўлчаб, солиққа тортилар ўша пайтдаги танобчиларнинг ишларини қаттиқ танқид остига олган.

Адиб жуда мағрур, ёлғонни ҳушламайдиган, ўзи ҳам фақат ҳақиқатни тараннум этадиган, қурашувчан инсон бўлган. Шунинг учун ҳам ҳаётининг сўнгги 20 йилида ўз уйини сотиб, ҳужрада яшади. Биз ана шуларни Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри жамоаси билан биргаликда ўрганиш ва эндиликда уларни саҳналаштиришга келишиб олдик.

Шунингдек, Президентимиз қарори асосида университетимиз томонидан биринчилардан бўлиб Муҳаммад Аминхўжа Муқимий кўкрак нишон таъсис этилди ва биз билан яқин ҳамкорлик қилаётган иккита ташкилот мутасаддиларини кўкрак нишон билан тақдирладик. Хусусан, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри директори Мирза Азизов ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Муҳаммадjon Қуронова ушбу нишонни тантанали топширдик.

Биз бу ташкилотлар билан биринчи кундан бошлаб ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз. Муқимий ҳаёти ва унинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ўрганиш ишлари фаол кечмоқда. Жараёнда адибнинг Қўқондаги уй-ҳўжра музейига бориб, атрофдаги аҳоли билан гаплашиб асосида қўшимча маълумотлар тўпладик. Тез орада унинг машҳур "Саёхатнома" асари бўйича адиб борган 4 та жойга талабалар учун саёхат йўналишлари ташкил этмоқчимиз. Муқимий яшаган қишлоқларни ўрганиб, бу бўйича илмий ва битирув малакавий ишлари ёзиш кўзда тутилган. Ҳозир иккита илганувчимиз бу йўналишда фан доктори диссертация ишини бошлади.

Муқимий ижоди ва ҳаётини ўрганиш талабаларимизга бугунги дорилмон кунларнинг қадрига етишни ўргатади, деб ўйлайман.



Лазиз ТҲҲЧИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори:

— Одамлар қалбига энг яқин ва яхши йўл эзу сўздир. Илм эса яхши сўзлар жамланмаса, инсонни камолот дара-

жасига олиб чиқадиган нажот қалъасидир. Бу қалъани эгаллашни бизга китоб ўргатади. Зеро, китоб инсоният учун ақл-идрок маъни, тафаккур сарчасмасы бўлиб хизмат қилади. Бу эса ҳар томонлама соғлом инсонни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги Адиблар хийбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, бу ерда очик дарслар, маърифий тadbирлар ўтказиш бўйича берилган тавсиялар талаба ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиш ва мустақил ижоддаги интилишларига ўзгача илҳом бағишлади.

Тошкент тиббиёт академиясида талаба-ёшлар ўртасида шоира Зулфияxonим ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш бўйича "Йўл харитаси" ҳамда Адиблар хийбониди академия томонидан 2020 йил июнь ойидан бошлаб амалга оширилдиган ишларга доир чора-tadbirlar режаси ишлаб чиқилди. Тиллар кафедраси ҳузуриди шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган "Зулфия

жасиге олиб чиқадиган нажот қалъасидир. Бу қалъани эгаллашни бизга китоб ўргатади. Зеро, китоб инсоният учун ақл-идрок маъни, тафаккур сарчасмасы бўлиб хизмат қилади. Бу эса ҳар томонлама соғлом инсонни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги Адиблар хийбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, бу ерда очик дарслар, маърифий тadbирлар ўтказиш бўйича берилган тавсиялар талаба ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиш ва мустақил ижоддаги интилишларига ўзгача илҳом бағишлади.

Тошкент тиббиёт академиясида талаба-ёшлар ўртасида шоира Зулфияxonим ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш бўйича "Йўл харитаси" ҳамда Адиблар хийбониди академия томонидан 2020 йил июнь ойидан бошлаб амалга оширилдиган ишларга доир чора-tadbirlar режаси ишлаб чиқилди. Тиллар кафедраси ҳузуриди шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган "Зулфия

жасиге солиб, Республика талабалар фестивалининг "Мен севган адиб" танловида Фахри 2-ўринни эгаллагани бунинг амалий исботидир.

Айни кунда академия талабалари Зулфия ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид маълумотлар асосида кўргазмага баннер ва паншетлар тайёрлаш жараёнида қизин иштирок этмоқда. Асосий мақсадимиз тез орада шоира номидаги "Ёш ижодкорлар" клубини ташкил этиш ва беш ташаббус тамойилини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Зулфияxonим ижодини бугунги ёш авлодга чуқур ўргатаётганимиз бежиз эмас. Шоирнинг теран фикри, буюк инсоний хислатлари, садоқати ёшларни ҳар бир ишга чинакам меҳр ва иштиқ билан ёндашишга ҳам ўргатади. Зеро, биз инсон саломайтиги ҳақида қайғурадиган етук мутахассислар тайёрлашни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйган эканимиз, тиббиёт билимлар ҳазинасини маънавият ва маърифат дурдоналари билан бойитмоғимиз зарур. Бунда бизга шоира Зулфияxonимнинг ўлмас асарлари ҳам йўл кўрсатувчи йўлдош бўлишига ишонаман.



Шавкат МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори:

— Адабиёт инсоният тамаддунининг энг улкан кашфиётларидан биридир. Адабиётга, китобга меҳр қўйиб, мутлола қилувчи жамият маънан бой, руҳияти соғлом бўлади.

Президентимизнинг жорий йилнинг 20 май кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий биғида республика олий таълим муассасалари ректорлари билан бўлган мулоқотида берган топшириқлари асосида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида мутафаккир Махмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш юзасидан амалга ошириладиган ишлар бўйича чора-tadbirlar дастури ишлаб чиқилди.

Бехбудийнинг миллат тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиеё. Академиямиизда аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган кўплаб тadbirlar, учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида илмий мақолалар эълон қилинмоқда. Пандемия шароитида ҳам онлайн тарзда аллома ижодига бағишланган анжуманлар давом этаётгани, бу каби тadbirlar да ёшларнинг маънавий дунёқараши бойиб бораётгани қувонarliдир.

Адиблар хийбониди Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида "Бехбудий ва барҳаёт гоғлар" мавзусида маънавий-маърифий тadbirlar алломанинг ҳаёти ва ижодига, улка ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда халқаро ҳамкорлик борасиди ютуқлари муҳокама этилди. Унинг ди-

ний ва дунёвий салоҳияти, ўзбек адабиёти ва матбуоти тараққиётини учун қилган ишлари ҳақида талабаларга сабоқ берилди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси Лутфулло Абдулқодировнинг "Махмудхўжа Бехбудийнинг "Падаркуш" асарида ёшларнинг таълим ва тарбияси" мақоласида асарнинг бугунги кунда ҳам ёшлар таълим-тарбияси, маънавий-маърифатига аҳамияти юқори экани кайд этилди. Муаллиф "Падаркуш" асарининг саҳнага қўйилиши Европа типидидаги ўзбек театри туғилганининг ёрқин ва рад этиб бўлмас исботи бўлди", дейди.

Кувонарлиси, академиямиизда жадидчилик ҳаракати етакчисининг фаолияти ўқитувчилар томонидан чуқур ўрганилмоқда. Масалан, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Мунира Қаҳқорова-нинг "Маърифатпарвар адбимизни ёд этиб...", катта ўқитувчи Жаҳонгир Тоҳировнинг "Махмудхўжа Бехбудий фикр илмида беназир эди" ҳамда ўзбек тили ва мумтоз шарҳ адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси Нарғиза Шолиеванинг "Махмудхўжа Бехбудий: миллат тараққиёси ҳаёлий орзу-ҳавасда эмас, фарзандлар камолотидадир" каби мақолалари шулар жумласидандир.

Жадидчилик ҳаракати ва уларнинг етакчиси ҳақида талабаларга муфассал тушуна бериш муҳим саналади. Бу борада академиямиизда ҳам "Махмудхўжа Бехбудий — Марказий Осиё жадид маърифатпарварлари йўлбошчиси" мавзусида барча таълим йўналишлари учун очик дарслар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Адиблар хийбонининг аҳамияти ва ўзбек адабиёти намояндалига бағишланган махсус курс ташкил этиш кўзда тутилган. Араб тилида Махмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти ва ижодини тўлиқ ақс эттирувчи рисола тайёрлаб, фан бўйича ўқув дастурларига киритиш, "Махмудхўжа Бехбудийнинг диний-маърифий қарашларининг замонавий талқинлари" мавзусида республика онлайн илмий-амалий конференциясини ўтказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Бехбудийнинг ҳаёти ва илмий мероси тадқиқотлари бағишланган "Ислом тафаккури" илмий журналнинг махсус сони, ҳужжатли фильм тайёрланяпти.



Равшан ҲАКИМОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори:

— Ҳамма даврларда миллатнинг қалб кўзини равшан қилиб, илгор тафаккурга, илм-маърифатга ундайдиган, одамлар шурига эзгулик уруғини сочадиган зиёлилар бўлади. Улар халқнинг халқ сифатида шаклланиб, қадриятларини, ўзлигини англашида, ватанпарварлик туйғуларини юракка сингдиришида қимматли асарлари, эзу амаллари билан намуна вазифасини ўтайди. Халқимизнинг шундай зиёли, илгор тафаккурли фарзандларидан бири, шубҳасиз, Зокирjon Холмухаммад ўғли Фуқратдир.

Пойтахтимизнинг сўлим гўшасида барпо этилган музасам Адиблар хийбониди қад ростлаган сиймолар қаторидан Фуқрат ҳайкалининг ҳам жой олгани бежиз эмас. Бу ватанпарвар адибнинг адабиётимиз ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси, замонавий илмлари эгаллашга тарғиб этиш орқали халқни маърифатли қилиш борасиди саъй-ҳаракат, қиндик қони тўкилган Ўзбекистон заминига чексиз меҳр-муҳаббатига миннатдорлик рамзидир.

Шундай улғу ижодкорнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, асарларини тарғиб этиш, фазилатларидан ўрнак олиб, таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мақсадида адиб ҳайкалининг Тошкент архитектура-қурилиш институтига бириктирилиши яхши воқелик бўлди.

Айни пайтга қадар Адиблар хийбониди Фуқратнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказган очик дарс, семинер ва мушоираларимиз, хусусан, профессор Нурбой Жаборов билан туркум учрашувлар ёшларнинг мутлола маданияти, адабиётга қизиқиши ошишига хизмат қилди.

Адиб хотирасини абадийлаштириш ва асарларини тарғиб этиш борасида олий таълим муассасамиизда қатор ишлар бажариляпти. Жумладан, профессор Нурбой Жаборов билан ҳамкорликда Фуқратнинг газаллар тўплами тайёрланмоқда. Адиблар хийбониди улғу шоир ҳайкали ва ҳудуд ландшафт дизайн бўйича расмлар, компьютер дастурлари орқали ватанпарвар адиб ҳайкалини лойихалаштириш танловлари ўтказилди.

Институти сайтида Фуқрат фаолияти бўйича электрон платформа ташкил этилиб, унга шоир асарлари қўлёзмалари ва нашр этилган китобларидан намуналар ҳамда адиб фаолиятини ўрганишга доир изланишлар натижаси тўғрисидаги маълумотлар киритилмоқда.

Муассасамиизда адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган ташкил этилаётган хотира хонасининг интерер дизайн ечими тайёрланди. Таниқли ҳайкалтарош Жасвант Анназаров билан ҳамкорликда ясалятган Фуқрат бюсти мазкур хонадан ўрин олади.

Муҳими, мана шу жараёнда шерьията қизиқувчи ижодкор талабаларимизнинг "Фуқрат издошлари" тўғраги очилди. Бугун у қаламқаш талабалар интиладиган гўшага айлиб улғурди. "Ўзбегим" талабалар театр-студияси жамоаси "Фуқрат" спектаклини саҳналаштириш устиди изланыляпти.

Янгиликлардан бири шуки, адиб номидаги стипендия низоми ва кўкрак нишони тайёрляняпти. Фуқрат таваллуд топган сана арафасида тўрта факультетдан ўқиш ва ижодда фаол, китобхонлик тарғиботиға муносиб ҳисса қўшаётган, иқтидорли бир нафардан талабага мазкур кўкрак нишони ва стипендия топшириляпти.

Бу саъй-ҳаракатлар беиз кетмаслиги шубҳасиз. Чўнки змиёли, илгор фикрли болаларини таниган, асарларини ўққан авлодининг гўрури, қадди юксалади. Аждодларига муносиблик ҳисси билан яшаб, меҳнат қилади.



Шўхрат СИРОЖИДДИНОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори:

— Навоий ижоди асрлар оша башариятга эзгулик ва камолотдан сабоқ бериб келмоқда. Айниқса, олий таълим муассасаларида улғу шоир асарларини ўрганиш ва ўргатиш бугун юқори босқичга кўтарилди. Шу маънода Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида навоийшунослик соҳасида олиб борилятган тизимли ишлар том маънода миллатимиз маънавиятига эътибор ва эҳтиром натижаси, десам муболага бўлмайди. Жумладан, 2016 йилдан бўён университетида ҳар йили 8 февраль санасида "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзусида анъанавий халқаро илмий-назарий анжуман ўтказиб келнаётгани бунинг ёрқин мисолидир. Конференциянинг амалий аҳамияти ва натижаси

ўларок, Алишер Навоийнинг Туркия, Озарбайжон, Тожикистондаги қўлёзмаларининг электрон нусхалари олиб келиниб, университетимиз фондиға топширилди.

Бундан ташқари, 2016 йилдан бери "Жаҳон адабиёти" журналининг ҳар бир сониди университет олимлари томонидан "Навоий сабоқлари" рўки остида материаллар эълон қилиниб келинмоқда. Унда Алишер Навоий газалларининг замонавий тилдаги тadbirlar, шарҳ ва изохлари ҳамда инглиз тилидаги таржимаси бериб бориляди.

Шунингдек, 2017 йилдан бошлаб университет жамоаси ташаббуси билан олий таълим муассасалари ўқув режасиға "Навоийшунослик" фани киритилди, ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, дарслик яратилди.

Университет янги биносининг очилиши муносабати билан эса "Алишер Навоий музей-хонаси" ташкил этилди. Ушбу хонада "Навоийшунослик" дарсларини ташкил қилиш учун барча шароитлар мавжуд. Китоб жавонларидан Навоийнинг янги топилаган "Оққўюли мухлиспар девони" факсимиле нусхаси, 10 жилдик "Тўла асарлар тўплами", халқаро конференция материаллари, шоир асарларининг маҳаллий ва хорижий нашрлари ўрин олган. Хона деворларини Навоий арузи ақс этган кўргазмалар бебаз турбиди. Эндигилда музейни шоир ижодига оид ноёб экспонатлар билан бойитиш ишлари ҳам олиб бориляпти.

Адиблар хийбонининг ташкил этилиши Алишер Навоий ижодини тарғиб этиш билан боғлиқ фаолиятимизни янада кенгайтиришимизга туртки бўлиш баробарида янги имконият эшикларини ҳам очди. Хусусан,

университетимиз томонидан олий-гоғларнинг нофилологик йўналишлари фан дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, талабалар учун ўқув қўлланмалар тайёрланди. "Навоийшунослик" дарслиги 3000 нусхада чоп этилди. Дарслик икки йилик қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Навоий ижодининг ўрганилиш тарихи, буюк мутафаккир ҳаётиға доир муҳим маълумотлар, лирик мероси тавсифи, ҳамсачилик анъанаси, шоир дostonларининг гоғвий-бадий таҳлили, илмий, диний, ирфоний, ёднома асарларининг мазмун-мундарижаси, асарларининг бадиияти ҳақида маълумот бериляди. Иккинчи қисмда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, асарларининг бадиияти чизма ва жадвалларда ақс этирилган. Замонавий педагогик таҳрирлар шуни кўрсатмоқдаки, талабаға мавзуларни кўргазмалар тарзда мультимедиа ва компьютер технологияларидан фойдаланиб тушутириш кучли ижодий самараға эға. Дарсликнинг иккинчи қисмида жадвал ва чизмалардан айнан кўргазма ва слайдлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шу ўринда Алишер Навоий интернет порталини яратиб, унга шоир ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни ўзбег, рус ва инглиз тилларида жойлаб бораётган нимизни ҳам таъкидлаш жоиз. Келгуси йили Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиғи нишонланяди. Шу муносабат билан университетимизда кенг қўламли ишлар бошлаб юборилган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоийға оид барча саъй-ҳаракатларимиз замирида ёш авлодга Навоийнинг чинакам даҳр эканини англаштидек эзу мақсад муҷассам. Зеро, Навоийни англаш миллатни англаш демокдир.



Рўзимўрот ЧОРИЕВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини муҳандислари институти проректори:

— Институтимиизга Абдулла Орипов ижодийини тарғиб қилиш вазифаси юкланган бизға гўрур бахш этади. Улғу шоир ҳаётлик пайтида таълим муассасамиизга тез-тез ташриф бурюб, педагог ва талабага жамоаси билан мунтазам ижодий учрашувлар ўтказарди. Болалик пайтларида шерьларига баҳо бериб, ҳақиқатни ёзиш ҳақидаги ўғитларини айтиб устозлик қилган қардоши ҳам суғчи, ирригатор бўлганини бот-бот эслегани ҳамон ёдимизда.

Институтида ҳам адибнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида йўл харитаси ишлаб чиқилиб шоир ижоди

ва ҳаёт йўлиға бағишланган кўплаб маънавий-маърифий, бадий ва ижодий тadbirlar бошлаб юборилган. Жумладан, Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишланган музей, адибнинг ижоди ва ҳаёт йўлиға бағишланган онлайн вебинарлар ташкил этиш, талабаларнинг ҳаёт туйлиб ўсган Қазақдарё вилояти Қосон туманиға саёхатини уюштириш, институтида шоир таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва шу муносабат билан республика миқсисиди конференция ташкил этиш режа қилинган.

Абдулла Орипов тўғрисида ҳужжатли фильм яратиш, "Абдулла Орипов издошлари" тўғрагини ташкил этиш, Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби билан ҳамкорликда тadbirlar ўтказиш назарда тутилган.

Институтимиизнинг иқтидорли ёшлари учун Абдулла Орипов номидаги стипендияни таъсис этиш нииятдамиз. Бу ташаббус ижодкор ёшларимизнинг адабиёт ва санъатга, маънавият ва маърифатға бўлган меҳру илхосини оширибгина қолмай, эътиқодини ҳам мустаҳкамлашға хизмат қилади. Адабиётға, она тилимиизға муҳаббатни устувор бўлган инсоннинг қандай соҳада, қайси касбда бўлмасин, фикриға фикр, гайратига гайрат, кучиға куч қўшуляди. Шу онда машҳур олим Алберт Эйнштейннинг ушбу ибораси ёдға келади: "Мен ақл эгалари бўлган математиклар олдида бош эгаман, кўнгил соҳиби бўлган адабиётчилар олдида тиз чўкаман". Адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини чуқур англаган буюк математикнинг ҳақли эътирофи бу.

Улғу шоиримиз номидаги кўкрак

нишонини ташкил этишимиз ҳам ёшларнинг креатив фаолиятларини юксалтиришға, шерьиятға бўлган меҳрини оширишдек маърифий мақсадға хизмат қилиши мўқаррар.

Абдулла Орипов ижод боғини яратилиши талаба ва магистрантларнинг танаффус пайти ёки дам олиш кунларида хордиқ чиқаришлари, китоб мутлола этишлари учун яхши имкон бўлади. Шоирнинг энг сара шерьларидан тузилган аудиокассадилар шерьларимизни тайёрлаш қиришганимиз.

Абдулла Орипов сўзлари билан айтилади қўшиқлар янграйдиган "Жон ва тандан азиз ватан!" адабий-муслиқ дастурини ўтказиш мўлжаллимиз бор.

Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодий фаолиятиға бағишланган онлайн форумлар деярли ҳар ҳафтада ташкил этилмоқда. Унда шоир умрининг охиридада ёзган, лекин қўпчилиққа ҳали маълум бўлмаган шерьлар ҳам ўқияпти.

Адиб ижодийини, унинг серқирра фаолияти ва ижтимоий-фалсафий қарашларини ёритиш, таҳлил этишға қаратилган "Тафаккур томчилари" рўкидаги туркум кўрсатувларни тайёрлашни бошлади. Ҳозир унинг 12 та сони ижтимоий тармоқларға қўйилди.

Абдулла Орипов шерьиятдан таъсирланган талабаларимизнинг ижодий намуналаридан тузилган "Илҳом булоқлари" тўпламини ҳам алоҳида китоб ҳолида чоп эттирдик.

Буларнинг барчаси адиб ҳаёти ва ижодини атрофлича ўрганиш ва тарғиб-тақдим қилиш борасиди муҳим қадимларимиздан, десак муболага бўлмайди.



Ёшлар — келажгимиз

Саккиз йиллар олдин мактаб ўқувчиси тенгқурали орасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлгани ҳақида хушxabардан сўнг Нодирбекни йўқлаб боргандик. Ҳақиқатда, у отаси билан шахмат тўвусида "Шоҳ ва мот!" дегани халиям кулоқларимиз остида турибди.

Бўлмаса, отаси Муродбек ҳам аноий шахматчилардан эмас. Айнан ақлий спортнинг бу тури бўйича соҳа ходимлари орасида бир неча марта вилоят мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган ва ўзига шахмат сирларини ўргатган ҳам ўзи.

"ВАҚТИ КЕЛИБ, АЛБАТТА, ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛАМАН!"



Рўзимбой ҲАСАН,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Нодирбек сабабми, унинг кишлоқдошлари — каттаю кичик шахматта муккасидан кетган. Турли ёшдаги, турли касбадаги кишилар ҳар дам олиш кунлари бирор хонадонга тўпланиб, кун бўйи шахмат ўйнашни одатга айлантиришган.

Хазорасп туманининг Пичоқчи қишлоғи Куйи Амударё минтақасидаги энг қўхна ҳисобланмиш Сулаймонқалъага қўл етгулик манзилда жойлашган. Ким билди, минг йиллар аввал ҳам шу қадим қалъада ақлий спорт тури ривож топгандир? Ахир, "ҳеч нарса йўқ жойдан пайдо бўлмайди", деган гап бекорга айтилмаган.

Истиқлол тўғрисида юртимизда тарих қатлавларида қолган қадриятлар буй кўрсатди. Етти иқлимни ўз ақлу заковатлари билан лол қолдирган аждодларимиз руҳи қўллаб, яна жаҳон майдонини забт қилишга киришдик. Илм билан, заковат билан, спорт билан...

Нодирбек Ёқубов ҳозир Ўзбекистон Миллий университети талабаси. Унинг эришган ютуқларини санасак, эҳ-хе... Усмилар ва ёшлар ўртасида кўп қарра Ўзбекистон ва Осиё чемпиони. Ўнлаб халқаро турнирларнинг мулкчи ғолиби. Усмилар ва ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати совриндорлари сафида ҳам исми-шарифи бор.



Нодирбек, айниқса, шахматнинг блиц турида тенгсиз. Блиц — тезкор шахмат. Уйинга оз вақт ажратилади. Бу эса тез ўйлаш, фикрлашни талаб қилади. Мўғлистонда бўлиб ўтган Усмилар ўртасидаги Осиё чемпионатида айнан блиц турида унга тенг келадиган топилмади.

Шахмат бўйича республика тарма жамоаси аъзоси сифатида эришган ютуқлари залворли. Ўз тенгқурали ва ёши катта шахматчилардан таркиб топган миллий жамоамиз ҳамisha йирик халқаро мусобақа, қитъа ва жаҳон биринчиликларида ўз ўрнига эга.

Ҳали олтинчи синфда ўқи юрган вақтида ўқувчилар ўртасида қадим Юнонистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида бир юз қирқ икки давлатдан қатнашган иштирокчилар ўртасида еттинчи ўринни эгаллаганида, таниқли гроссмейстерлар билан мулоқотларида беғубор кўнглига: "Вақт келиб Рустам Қосимжанов каби жаҳон чемпиони бўламан!" деган орзу келгани ҳақида ишонч билан гапирганига гувохимиз.

Орзуга айб йўқ! Нодирбекнинг бу орзуси ҳам вақт келиб амалга ошар. Бунга ишонамиз! Бунга юртимизда яратиб берилган имконлар пойдевор. Бунга ёшларимизнинг салоҳияти қафолат.

Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига, юртимизнинг жаҳон саҳнида танилишига муносиб ҳисса қўшиб келаятган, юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойий ва мард ўғонларимиздан бир гуруҳини "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан таъдилди. Улар орасида Нодирбек ҳам бор.

Нодирбек Ёқубовни бу юксак мукофот билан қўлайимиз ва дунё сениқидир, Нодирбек, дея унинг ўқиш ва шахматдаги фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз.

Кулайлик

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАҲАЛЛАДАГИ ШОҲОБЧАСИ

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ховос туманида марказдан олис ҳудудлар ҳам анчагина. Улардан бири "Қаҳрамон" маҳалласи бўлиб, туман маркази билан ораси 35 километрди. Маҳаллада Ховос тумани Давлат хизматлари маркази шохобчаси очилгани аҳолини хурсанд қилди. Зеро, халқнинг узогини яқин, мушкулни осон қилиш мазкур тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Давлат хизматлари агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси аҳолининг эhtiжларини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, қаҳрамонлик энг кўп фойдаланиладиган давлат хизматларидан бўлган бино ва

иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш учун келишим, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, электр энергияси, табиий газга улашни учун техник шарт олиш ёки судланмаганлик, нарқология, руҳий касалликлар бўйича рўйхатда турмаслик тўғрисида маълумотнома олиш каби хизматлардан фойдаланиш учун 35 қақирим масофа босиб, туман марказига боришларига тўғри келади. Табиийки, бу ўз-ўзидан ортқиқа вақт ва харажат талаб этади. Айниқса, қишнинг совуғи, ёзнинг иссиғида манзилнинг олисллиги жуда билинади.

Бу шохобча нафақат туман марказидан анча олисда жойлашган "Қаҳрамон" маҳалласи, балки қўшни "Пахтакор", "Миршкор", "Хуснобод", "Бустон", "Бинокор", "Янгир" маҳаллалари аҳолиси учун ҳам яна бир кулайлик яратди. — дейди Ховос тумани ҳокимининг ўринбосари Отабек Донобоев. — Мазкур шохобчада 140 дан ортқи турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Бундан буён ушбу маҳаллаларда ис-



тиқомат қилувчи 21 минг 300 нафардан ортқи аҳоли зарурат тўғилганда давлат хизматларидан фойдаланиш учун туман марказига овера бўлиб қатнаб юрмайдилар.

— Ўзбекининг яхши кўни кўп, — дейди маҳалла фаоли Раҳмонли Раҳимов. — Қолаверса, фарзандларимиз учун уй-жой курагимиз, янги уйга электр, газ улаш керак. Бунинг учун эса давлат хизматларидан фойдаланишга тўғри келади. Энг зарур давлат хизматларидан маҳалламизнинг ўзида фойдаланиш бизга жуда маъқул келади, албатта.

Давлат хизматлари матбуот хизмати-нинг хабар беришича, шохобчада ташриф бурувчилар учун барча кулайлик яратилган. Жумладан, интернет, кутиш жойлари, мўъжаз кутубхона фойдаланувчилар хизматида бўлади. Аҳолининг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежашга хизмат қилаётган бу каби тезкор, қўлай, шаффоф ва сифатли тамойиллар асосида ташкил этилган шохобча фаолиятдан аҳоли мамнун.

Янгича ёндашувлар

НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ЭТИШНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛЛАРИ БОЖЖОНА ТИЗИМИДА ҲАМ ФАОЛ ҚўЛЛАНИЛАДИ



Ҳосийатхон АБДУРАҲМОНОВА,
Давлат божжона қўмитаси
Божжона институтини профессори
в.б., юридик фанлар доктори

Сўнги йилларда мазкур йўналишларда амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, ҳар бир инсон, қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳар томонлама химоялашга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий муносабатларда субъектлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви ва низолат келиб чиқиши мумкин. Бунга мамлакатимизда ана шундай низолат ҳолатларини субъектларнинг танловига кўра нафақат суд орқали, балки бошқа муқобил усуллар билан ҳал этиш тизимининг шаклланиши фуқароларга қатор қўлайликлар яратмоқда. Бу борада суд-хуқуқ тизимида ислохотлар амалга оширилиб, янги кодекслар ишлаб чиқилди. Низолатни муқобил ҳал қилиш усуллари сифатида медиация ва ҳақлик судларининг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, "Ҳақлик судлари тўғрисида"ги, "Медиация тўғрисида"ги қонунлар ва Президентимизнинг 2020 йил 17 июндаги "Низолатни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ҳозир ақсарият ривожланган давлатларда муаммо ва низолатни судгача ҳал этишнинг замонавий механизмлари жорий қилинган бўлиб, улар самарали ишлаб келмоқда. Боси, ўзаро келишув битими тузиш ёки низолат ҳал этишнинг бошқа муқобил усулларидан фойдаланиш суд орқали низолатидан кўра қўлай ва камхарждир. Халқаро амалиётда низолатни муқобил ҳал этишнинг 20 дан ортқи тури, хусусан, музокаралар, воситачилик, арбитраж, воситачи-арбитраж, яраштирув жараёни, минисуд, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш юзасидан мустақил экспертиза, ошбодсман, хусусий суд тизими мавжуд бўлиб, ҳорижий мамлакатларда низолатни суд орқали ҳал этиш энг охириги инстанция ҳисобланади.

АПЕЛЛЯЦИЯ КЕНГАШИ — ИЛҒОР ВА САМАРАЛИ ЕЧИМ

Айни вақтда низолатни ҳал этишнинг муқобил усуллари божжона тизимига ҳам кириб бормоқда. Президентимизнинг 2020 йил 5 июндаги "Божжона маъмуриятчилигини ислох этиш ва Ўзбекистон Республикасини давлат божжона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида тасдиқланган 2020-2023 йилларда божжона маъмуриятчилигини ислох қилиш ва Ўзбекистон Республикасини давлат божжона хиз-

Дунё эътироф этаётган Янги Ўзбекистон бугун тараққиётнинг замонавий босқичида жадал олдирмоқда.

Бу борадаги фаол жараёнлар, катта ислохотлар давлат органларининг илғор, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратиш, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат ташкилотлари ўртасидаги низолатни судгача ҳал қилиш институтларини шакллантиришни талаб қилади.



Божжона кодексининг 411-моддасига биноан, божжона иши соҳасидаги низолат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Божжона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва агар ушбу моддада бошқача қанда низолат тўғрисидаги низолатни судгача ҳал қилиш институтларини шакллантиришни талаб қилади.

Божжона кодексининг 411-моддасига биноан, божжона иши соҳасидаги низолат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Божжона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва агар ушбу моддада бошқача қанда низолат тўғрисидаги низолатни судгача ҳал қилиш институтларини шакллантиришни талаб қилади.

Юртимизда 2020 йил 1 августдан бошлаб синов тарикасида бир қатор давлат идоралари ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида жисмоний ва юридик шахслар ва давлат органлари ўртасидаги низолатни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларининг тузилиши бу борада ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур кенгашнинг таркиби мутасадди давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатга тасдиқланиб, унинг аъзолари сони 7 нафардан 11 нафарга бўлиши мумкин. Апелляция кенгашининг давлат органи марказий аппарати таркибий бўлишлари раҳбарлари ёки ходимлари ҳисобланмаган аъзолари жами кенгаш аъзоларининг бешдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим.

Ушбу янги тизим давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва

фуқаролардан мустақил равишда ТИФ иштирокчилари, жисмоний ва юридик шахслар, божжона органлари ходимларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқ ва эриқликларини ҳамда қонун билан қўриқланган манфаатларини бузилганлиги ҳақидаги муурожаатларини кўриб чиқади. Жараёнда кенгашга келиб тушган масалалар юзасидан қабул қилинган хулоса 3 кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади. Давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида 3 кун муддатда апелляция кенгаши ва тарафларини ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар бундай ишлар юзасидан тўғридан-тўғри бошқа ваколатли давлат органларида муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Халқаро амалиётда ҳам божжона соҳасида низолатни судгача ҳал қилиш бўйича институтлар мавжуд. Хусусан, Божжона таомилиларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото халқаро конвенциясининг "Божжона ишлари оид шикоятлар" деб номланувчи алоҳида бўлимида низолатни ҳал этишнинг учта тури кўрсатилади. Улар миллий қонунчиликка асосан божжона хизматида дастлабки шикоят қилиш, ариза бериувчининг божжона хизмати органи томонидан аризаси рад этилганда божжона маъмуриятдан мустақил бўлган идорага ҳамда суд органига муурожаат қилиш ҳуқуқидир.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикасини божжона маъмуриятчилигида апелляция кенгашининг тузилиши низолатни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ТИФ иштирокчилари, фуқаро ва тадбиркорлар билан юзага келадиган низолатни ҳал этишнинг самарали ва замонавий усули ҳисобланади. Мазкур тизим низолатни ҳал қилишнинг муқобил имониятларини кенгайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тезкор ҳимоя қилинишига олиб келади.

Фестиваль

Жорий йилнинг 5-8 сентябрь кунлари республика кўғирчоқ театрларининг анъанавий XII кўғирчоқ фестивали пандемия муносабати билан онлайн тарзда ўтказилди. Фестивалда республикадаги 10 та кўғирчоқ театри ўзларининг энг сара спектакллари билан иштирок этди. Ғолиблар Маданият вазирлигининг дипломи ва совгалар билан тақдирланди.

Муножат МҰМИНОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Иштирокчилар "Энг яхши режиссёр-ташкilotчи" (Жиззах вилояти кўғирчоқ театри, бош режиссёр К.Исамова), "Энг яхши кўғирчоқ расоми" (Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри, расоми З.Едгоров), "Миллий қаҳрамон образи" (Андижон вилояти кўғирчоқ театри, актёр Н.Қазақова) номинациялари бўйича рағбатлан-тирилди.

Шунингдек, "Эзгуликни тарғиб этувчи мавзу" номинацияси бўйича Бухоро вилояти, "Миллий кадрият-



САРА СПЕКТАКЛАР САРАЛАБ ОЛИНДИ

лар тарғиботи" йўналишида Андижон вилояти, "Энг яхши расомилик иши" номинацияси доирасида Самарқанд вилояти кўғирчоқ театри жамоалари ғолибликни қўлга киритди.

Кўрик-фестиваль якунига кўра, Хоразм вилояти кўғирчоқ театрининг "Қалдирғоч ва майна" ва Ўзбек Миллий кўғирчоқ театрининг "Маша бўви ёпган бўғирсок" спектакллари 3-ўринни, Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театрининг "Қуш тили" ҳамда Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрининг "Саҳро Бембий" спектакллари 2-ўринни, Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театрининг "Қодирий кулдиранда" ҳамда Фарғона

вилояти кўғирчоқ театрининг "Тойчоқ" спектакллари 1-ўринни эгаллади.

Иштирокчилар фестивал Ватанимиз мустақиллигини, миллий кадриятларимизни тараннум этувчи, ўсиб келаятган ёш томошабинлар қалбидан инсоний фазилат, эзгулик, ватанпарварлик каби туйғуларни кучайтиришга хизмат қилувчи саҳна асарларини тарғиб қилиш, ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни янада ривожлантириш, томошабинларни кўғирчоқ театри санъатининг энг сара намуналари билан яқиндан таништириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилиши таъкидланди.





Ватан фидойиларини эслашимиз, уларнинг ҳақиқа қуръон ўқишимиз яхши анъана. Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик учун, халқимиз эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Охирги йилларда бутун жамоатчилигимиз ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдириб, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилинган. Буларнинг ҳаммаси — одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни етказиш, халқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига етиши учун.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Миллат фидойилари

ТАЪҚИБГА ТўЛА УМР ИЗТИРОБЛАРИ

ёхуд "Катта қирғин" ва икки сургунда жабр кўрган аёл орзулари



Қатагон қурбонлари ҳақида маълумотлари жамлаган саҳифаларни варақлар экансан, беихтиёр маърифатпарвар шоир Ботунинг мана бу мисралари ёдга тушади: Йиртилингиз, эй ярамас қора қалин пардалар, Ҳеч ёвуқсиз юлдузларнинг нурли юзи очилсин! Йўқолингиз ёруғликни тўсатурсан булутлар, Юртимизга энг юксакдан ёруғликлар сочилсин!

бий ташкилотга аъзолик) моддалари билан айбланиб қамоққа олинди. Тинтув жараёнида унинг паспорти, дипломлари, меҳнат дафтарчаси, хатлари, китоблари, 35 та шахсий сурати хатлиниб тортиб олинди.

Ортидан онаси Дурдижон ая, мурғак ўғли Пуллатжон зор йиллаб қолдилар. Марям олти ойлик норасида қизи Анора билан қамоқхона азобларига гирифтор этилади.

Марям Султонмуродова 1938 йил 4 октябрда сўнгги бор сўроқда ҳам "Германияда "Озод Туркистон" деган ташкилот ҳеч қачон бўлмаган ва бу ҳақида мен ватанга қайтиб эшитдим. Бошқа ҳеч нарса қўшимча қила олмаيمан. Менинг ҳеч қандай айбим йўқ", дейди.

Узоқ вақт давом этган азобли тергов давомида унга қўйилган бирорта айб ўз исботини топмади. Бирок Марям ватанга хиёнат, ҳарбий ва давлат сирларини сотиш, шпionage, қуролли кўзғолонга ҳаракат, совет давлатига қарши теракт, аксининқилибий ташкилотга аъзолик каби ўта хавфли айбловларга лойиқ деб топилди.

Шу ой ўтказилган "учлик" суди атиги 20 дақиқа давом этди. Марям Султонмуродова 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилади. У жазони дастлаб Тошкент, сўнг Қозон ва Суздаль турмаларида ўтди. Кейин узоқ Колим вилоятига юборилиб, Магадданга "Дальстрой" қурилишида 1947 йил 13 сентябргача азоб-қувват чекади.

Фарзандлари ва қардошлари соғинчи унга ўлимни йўлатмади. Жазо муддати тугаган ватан-

га қайтиб, Урганч туманидаги Янгибозор фуқаролар йиғинида ҳамшира бўлиб иш бошлади. Бироқ унинг хурсандчилиги яна узоққа бормади. У 1949 йил 30 мартда қайта қамоққа олинди ва бу гал ҳам эски "жиноятлари" учун ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси 1-қисми (Ватанга хиёнат, ҳарбий ва давлат сирларини сотиш, шпionage), 67- (аксининқилибий ташкилотга аъзолик) моддалари қўлланиб, узоқ Красноярск ўлкасига сургун қилинди.

1954 йил 1 сентябрда уйига ёзган хатини у бундай якуналади:

"Азизларим! Бизлар бугун сургундан бўшадик. Уй ва молларни ўз баҳосига сота билсак, октябрь оёқларини кетамиз. Сота билмасак, бу ерда қийин-қийин, соғ бўлинг. Соғликда қўришайлик. Хат ёзинглар, ҳаммангизга салом билан Марям".

Марям Султонмуродованинг 1956 йил 10 май куни ёзган аризаси асосида унинг иши қайта қўриб чиқишга топширилди. 1956 йил сентябрда ўтказилган сўроқ давомида у бошдан кечирган барча қўриқликларни бирма-бир ҳикоя қилади. Жумладан: "... 1949-1954 йиллар Красноярск ўлкасида сургунда бўлиб қайтдим, ҳозир Қараман қишлоғида ҳамшира бўлиб ишлаймиз. Берлинда "Туркистон талабалар уюшмаси" деган ташкилот бўлган. Аммо унинг тадбирларида фақат илмий мунозаралар булар, талабаларнинг таълим жараёнидаги муаммолари ва иқтисодий масалаларини муҳокама қилар эдик..."

Ташкилот раҳбарларидан Тўлаган Мўминов жуда билимдон, Султон Матқул нихоят босиқ ва мулоҳазали, Темур Казбеков шўх ва ҳазилқаш, Саттор Жаббор эса етук олим ва адабиётга ошно инсон сифатида умрбод хотирасида қолганини эслайди.

Икки сургундан омон қолган зиёли Марям Султонмуродова 1957 йил 2 августда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланди.

Бироқ у тулиқ оқланганидан кейин ҳам рўшнлик кўрмади. Таъбиқ тўхтамади. Севган соҳаси бўлмиш журналистика билан шуғулланиш у ёқда турсин, унинг газета ё журнал ўқишига ҳам тўсиқлик қўрсатилди. Марям қоронғу кечаларда ўзининг эркин, бахтсиз ҳаётини куйидагича қозоғга туширган: "... 1957 йил мени оқлашган. Мендан бахтли одам йўқ эди. Ахирги орузим ушадди! О, менинг хурсанд бўлганларим... Ҳаётимда катта бир ўзгариш кутиб турганим ва ахирги тўла ҳуқуқли совет граждани бўлман деб ўйладим! Лекин афсус, кўп ўтмай илҳосим қайти. Мен ҳамон назорат остида эканлигимни, шармисорлик тамғасининг юки ҳамон босиб ётганини англадим... Узлингни пахта уришларини ҳис этишдан ортиқ алам йўқ оламда. О, бу қанчалар оғир! Агарда менга юқоридан масҳаромуз қараётган мана шу кимсалар мендан ях-

"...Хивалик Марямхон моддий томондан яхши таъмин қилинмагани учун йўлларида кўп чатоқликлар кўради. Чиндан ҳаёт хотини бўлмоқ ва Туркистонда қолган опасингилларимизнинг истиқбол учун ҳеч ким кўрсатмас қахрамонлик қилиб келган қимматлик қизимизга Хоразм жумҳуриятимизнинг шундай совуққонлик билан қаршига Туркистон ёшлари таассуф этолмай туролмайдурлар".

широқ ва мендан покроқ бўлишига-ку, балки бу ҳолга чиқардим. Лекин асло ундай эмас эди. Аксинча, уларнинг бири чайқовчилик, ичкилик, бузуқлик қиларди. Иккинчиси, бировнинг эрини тортиб олган, фарзандини отасиз қолдирган эди... Ҳеч бўлмаса мана шу кимсалар мени тинч қўйишса эди, кўнглимга гулу солишмаса эди..."

Бу ҳақиқатлар ҳам Марямнинг иродасини синдира олмади. У ўзини бир лаҳза бўлсин айбдор деб билмади. Ҳақиқатга ишонди, инсонийлигини йўқотмади. Бу билан шуролар тузумининг шармандали тарихида инсон матонатни тимсоли сифатида қолди. Марям Султонмуродованинг таъқибли ва тазйиқларга тўла умри 1971 йилда нихотига етди. Ундан "Раҳмат десинлар", "Мажнунот", "Қалбим нидоси", "Меҳр кўзда", "Қарвонлар келганда", "Қутилмаган бахт", "Бетамиз йигит" номли ҳикоялар қолган.

Юртимиз озодлиги йўлида жон берган бу мард ва жасур аёлнинг фаолияти ҳамда ижодидан бохабарлик бизни айни ёруғ кунларимизни қадрлашга ўргатади.

Баҳром ИРЗАЕВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими

Марям Султонмуродова ҳам юртимизга илм-маърифат — ёруғлик истаган мард ва жасур аёллардан бири эди. У 1905 йил 13 февралда Хива шаҳрида туғилган. Дастлаб Чандирқўйет қишлоғида дехқончилик билан шуғулланган отаси Жуманиёз Султонмуродов 1916 йили халқ кўзғолонида иштирок этиб Хива хонининг таъқибига учрайди. 1917 йилда у оиласи билан хонлиқни тарк этиб, 1919 йилгача Тўртқўлда яшашга мажбур бўлган. Инқилоб натижасида Хива хонлиги ҳудудига қайтиб келган Жуманиёз Султонмуродов большевиклар ёрдамида Ҳарбий трибунал раҳбари, Хоразм Халқ Республикаси Халқ комиссарлари кенгаши раиси, Хоразм компартияси котиби лавозимларида ишлади.

Жуманиёз Султонмуродов тараққийпарвар инсон сифатида 1911 йил қизи Марямни Урганчда янги усулдаги нўйи (татар) мактабига берган. Марям у ерда беш йил ўқиган, оиласи кўчиси сабабли Тўртқўлдаги жаҳид мактабига таълимни давом эттирди.

Марям Султонмуродова Тошкентдаги маориф мактаби гимназиясида ўқиди, сўнгра олий маълумот олиш мақсадида Оренбург татар педагогика институтига ўқишга кирди. 1921 йил ёзи таътилда Хоразмга келган Марям Хоразм компартияси марказий кенгашида аввал адабий бўлимга, сўнгра аёллар бўлимига раҳбарликка тайинланди. Марям бу вазифани бажаришга қийналди, чунки оғир тарихий шароит унга кўнглидагидек ишлаш имконини бермади. Натижада у 1922 йил Тошкентга қайтиб, Ўрта Осиё давлат университетининг Ишчи факультетида ҳужжат топширди.

1922 йил октябрда Марям Султонмуродова Бухоро ҳукумати томонидан Германияга ўқиш учун юборилаётган талабалар сафига киритилди. Хоразм Халқ Республикасининг Москвадаги мухтор вакилигига ходими Карим Сафоев ёрдамида Марям хориж учун паспорт олиб, Ленинградга йўл олади.

Ленинград портдан Хайриниса Маждихонова ва Тўлаган Мўминов туруҳига қўшилиб, пароходда Германиянинг Штецин шаҳрига етиб боради.

Ҳеч қачон очик денгизни кўрмаган саҳро қизи пароходга тушиши билан то манзилга етувчун қасал бўлиб қолади. Марям Султонмуродова аввалига Берлин университети қошидаги олти ойлик тайёрлов курсида ўқиди. Сўнг Дармштадт шаҳридаги "Виктория" ўқитувчилар семинариясига кириб икки йил таълим олди. 1926-1927 йилларда эса Потсдамдаги "Фрауншуль" аёллар мактабига амалиёт ўтади. 1927 йил ёзи таътил вақтида дугонаси Хайриниса Маждихонова билан Франция пойтахти Парижга саёҳат қилар экан, уларнинг Париж опера



театри ошхонасида Аҳмад Наим ва Мустроф Чўқай билан икки дақиқалик тасодиқий учрашуви кейинчалик қатагон этилиши учун асосий баҳона бўлади.

Хорижда ўқиш эса, албатта, осон эмас эди. "Туркистон" газетасининг 1924 йил сентябрь сонидан эълон қилинган мақоласида Эртой бундай ёзган: "...Хивалик Марямхон моддий томондан яхши таъмин қилинмагани учун йўлларида кўп чатоқликлар кўради. Чиндан ҳаёт хотини бўлмоқ ва Туркистонда қолган опасингилларимизнинг истиқбол учун ҳеч ким кўрсатмас қахрамонлик қилиб келган қимматлик қизимизга Хоразм жумҳуриятимизнинг шундай совуққонлик билан қаршига Туркистон ёшлари таассуф этолмай туролмайдурлар".

Мактабдаги амалиёти изидан Марям Берлиндаги профессор Генрих Финкельштейннинг олти ойлик ҳамширалик курсини ўқиб битиради ва 1928 йил ўз юртига қайтади. Марям Султонмуродова Ўзбекистонга келиши билан сўроқ ва таъқиблир бошланиб кетади. Аввалига ҳеч ким бу қизга иш бермайди. Фақат 1929 йил февралда Германияда таълим олган Бадри Сайфулмулк ёрдамида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш комиссарлигига қарашли боғалик ва оналиқни асраш институтига ҳамшира бўлиб ишга киришга муваффақ бўлади.

Марям 1929 йил охирида Асқар Аҳмадбеков билан оила қуриб, тўрт йил Каттақўрғонда яшади. Эри қамоққа олинган, 1933 йил Тошкентга қайтиб, Ўрта Осиё давлат университетига, "Тулистон" ва "Эркин турмуш" журналларида ишлади.

Марям ўзбек матбуотида ўзининг олмон адабиётини қилган таржималари ва аёлларнинг ўқир ижтимоий муаммоларига бағишланган мақолалари билан элга танила бошлади.

1937 йил сентябрда Марям Султонмуродова олти йил Германияда ўқиган, "Туркистон" жосуслик ташкилоти аъзоси деб, ЎзССР Жиноят кодексининг 60 (аксининқилибий ташвиқот), 67- (аксининқило-



Тил — миллат кўзгуси | МАҚСАД САРИ ИНТИЛСАК НАТИЖАГА ЭРИШАМИЗ



Шерзод ХОЛМАТОВ, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директорининг маслаҳатчиси

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтди: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти — бу тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотиш миллатнинг руҳини йўқотишдир".

Ўз йил аввал айтилган ушбу жумла гўёки келажак авлод тақдирини башорат қилиб кетгандек. Бугун тил билан боғлиқ муаммоларимизнинг сабаби айнан Авлоний тилида айтилган сўзлардир.

Утган асрда тил, миллат руҳи, миллий ғоя билан боғлиқ кўп йўқотишлар



бўлди. Буни инкор этмаймиз. Бугун эса муаммоларни тизимли равишда бартараф этишга бел боғлаганмиз. Бунда ҳар биримиз масъулиятни ҳис қилган ҳолда ислохотни ўзимиздан бошлашимиз керак. Фармацевтика тармоғида ҳам давлат

тили билан боғлиқ муаммолар бор, бунни инкор этмаймиз. Шуниси аниқки, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича бугун аниқ амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, илк бор Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси ўзбек тилида чоп этилмоқда. Агентлик ҳузуридаги Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказида атама комиссияси фаолияти йўлга қўйилган. Фармацевтика соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқарилмоқда. Ички иш юритишни давлат тилида ташкил этиш бўйича регламент ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан ташкил этилган йиғилишда баъзи дорихоналарнинг "аптека" деб номланиши хусусида сўз борди. Шунга айтиш мумкинки, дорихона сўзи атама ҳисобланб, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чакана савдоси билан шуғулланувчи муайян бир

объектга берилган умумий номдир. Дори воситаларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи субъект аввал ваколатли давлат ташкилоти томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади ва ногма эга бўлади. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги қарорига мувофиқ, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлинувчи дорихона воситалари ва тиббиёт буюмларининг чакана савдосини амалга оширишга лицензия олиш юзасидан мурожаат қилади.

Агентлигининг масъул ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майда тасдиқланган Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомага мувофиқ иш юритади. Мазкур низоมนинг "Лицензия таллаборининг лицензия талаблари ва шартлари ва мувофиқлигини ўрганиш бўйича хулоса" варағида "пешлаваҳа" бўлиши кераклиги, унинг давлат тилида ёзилиши мажбурий эмаслиги белгилан-

ган. Шунинг учун тадбиркорлик субъектлари ўз истагига қараб "дорихона" ёки "аптека" атамаларидан фойдаланадилар. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига ном беришда танқидларга сабаб бўлаётган мантисиз номлар тез-тез учрамоқда. Ном танлаш масаласи билан боғлиқ муаммони ҳал этишда ҳам тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш талаби бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганимиз бўлса, муаммоларни санаб ўтиш эмас, уларни тизимли равишда бартараф этишимиз керак. Тадбиркорлар томонидан ном танлашга жиддий эътибор қаратмаслик ҳолатларининг олдини олиш учун ҳамма бирдек ҳаракат қилмоғи лозим. Шуниси эътиборлики, тил масаласида бугунги баҳс-мунозараларимиз узоқ йиллик тарихга бориб тақалади. Бу ўлка фуқаролари доим ўз тили, маданияти, урф-одати учун курашган. Буни қарангли, Навоий ҳам бу масалани мавзу сифатида танлаб, туркий тилининг бошқа тиллардан кам эмаслигини исботлаган. XX асрда ижод қилган маърифат-

парвар жаҳидлар ҳам тил масаласига эътибор қаратиб, ўша даврнинг муаммоларини келтириб ўтадилар. Масалан, Бехбудий яқтиллиқни адабий тилда курс, Зоҳирий миллатнинг обрўсини адабиётнинг қай даражада ривожлангани билан боғлайди. Ибрагим бу мавзуга тўхталар экан, "Ота-онани туркий, шаҳари туркий, тили форсий, бугун бизнинг тилимиз русий, туркий, арабий ҳаммасида ихтилол бўлган бир омихта тил бўлиб турувдур", деб қуонади.

Янгилаётган Ўзбекистонда давлат тили билан боғлиқ ислохотларда олдинга қадам ташлашимиз керак. Қонунчиликдаги бўшлиқлар тўлдирилмоқда. Раҳбарларнинг масъулияти ва мажбурияти белгиланмоқда. Энди гап ижрочиларда. Ижро интизомини мустаҳкамласак, кўрсатмалар бажарилсагина, биз аниқ бир натижага эришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мақсад сари илдам қадам ташлашимиз, кўнглини четга суриб турайлик. Акс ҳолда кўнгли кўчаларида адашиб, мақсадга ета олмамай, муаммолар гирдобида қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас.